

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ.

Нурматова Клара Инагамовна

Тошкент шаҳар Бектемир тумани

108-ДМТТнинг тарбиячиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.1427781>

Аннотация. Инклюзив таълим турли имкониятларга эга болаларга бир хил таълим олиши имкониятини яратишга қаратилган замонавий ёндашувдир. Бунда ҳар бир боланинг ўзига хос эҳтиёжларини инобатга олиш ва уларга индивидуал ёрдам кўрсатиши мухим аҳамиятга эга. Замонавий ҳамкорлик инклюзив таълимни муваффақиятли амалга оширишида мухим ўрин тутади. Оила, мактаб ва жамият ўртасидаги мустаҳкам алоқалар ўқувчиларнинг ижтимоий интеграцияси ва академик ютуқларини оширишига ёрдам беради.

Шунингдек, педагоглар, психологлар ва дефектологлар ўртасидаги ҳамкорлик инклюзив таълим сифатини ошириши ва янги инновацион усулларни жорий қилиши имконини беради. Замонавий ҳамкорлик воситалари, айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари инклюзив таълим жараёнини янада самарали ташкил қилиши имконини яратади.

Калим сўзлар: Инклюзив таълим, замонавий ҳамкорлик, таълимда интеграция, ахборот технологиялари, болаларнинг ижтимоий мослашуви, индивидуал эҳтиёжлар, педагогик ҳамкорлик, инклюзив ёндашув.

ЗНАЧЕНИЕ СОВРЕМЕННОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В ИНКЛЮЗИВНОМ ОБРАЗОВАНИИ.

Аннотация. Инклюзивное образование направлено на создание единой образовательной среды для детей с различными потребностями, что способствует равенству и инклюзии в обществе. Современное сотрудничество между учителями, родителями, психологами и различными образовательными учреждениями играет ключевую роль в повышении качества инклюзивного образования. Такое взаимодействие помогает учащимся лучше адаптироваться в социуме и улучшает их академические достижения. Использование современных технологий усиливает сотрудничество, создавая более комфортную и доступную среду для учащихся. Кроме того, современное сотрудничество в инклюзивном.

Ключевые слова: Инклюзивное образование, современное сотрудничество, интеграция в образовании, информационные технологии, социальная адаптация детей, индивидуальные потребности, педагогическое сотрудничество, инклюзивный подход.

THE IMPORTANCE OF MODERN COLLABORATION IN INCLUSIVE EDUCATION

Abstract. Inclusive education aims to provide a unified learning environment for students with diverse needs, fostering equality and inclusion within society. Modern collaboration—among teachers, parents, psychologists, and various educational institutions—plays a crucial role in enhancing the quality of inclusive education. Such collaboration helps students adapt socially and improves their academic achievements. Utilizing modern technologies further strengthens collaboration, creating a more supportive and accessible environment for students. Additionally, modern collaboration in inclusive education is essential for addressing challenges in the educational process, refining inclusive approaches, and meeting individual needs.

Keywords: Inclusive education, modern collaboration, educational integration, information technology, social adaptation of children, individual needs, pedagogical collaboration, inclusive approach.

Инклузив таълим турли имкониятларга эга болаларга бир хил таълим олиш имкониятини яратишга қаратилган замонавий ёндашувдир. Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирамонович Мирзиёевнинг БМТ инсон хуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқида стратегиг йўналишлар, жумладан, ногиронлар хуқуқлари тўғрисидаги Конвенсияни ратификация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Президентимизнинг ушбу инсонпарварлик ташаббуси жаҳоншумул аҳамиятга эга ҳисобланиб, бу масалага юртимизда жиддий эътибор янада кучайтирилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш катта ва кўплаб омилларга боғлиқ соҳа. Мен унинг битта йўналиши, яъни инклузив таълимга тўхтамоқчиман.

Инклузив таълим, у ўқув дастури эмас, балки ўқишида, ўрганишда имконияти чекланган болаларни умумий таълим (оммавий)га қўшиш, барча қатори уларга ҳам эътибор қаратиладиган таълимдир. Бунга ҳар бир боланинг, шу жумладан ногиронлиги бўлган ва кўшимча ёрдамга муҳтож бўлган болаларнинг эҳтиёжларини қондирадиган педагогика орқали эришилади. Инклузив таълимда педагогнинг касбий маҳорати бош омил ҳисобланади. Педагог болаларнинг турли тоифага эга бўлишига қарамай барчасига бирдек муомалада бўлиши, болага шахс сифатида қараб, уларнинг хуқуқларини ҳимоялаши ва ҳурмат қилиши зарур. Ўзбекистоннинг янги таълим тизими болаларга шунчаки академик билимларни сингдириш эмас, балки уларда кундалик ҳаётда ва келажакда керак бўладиган кўникумаларни шакллантиришга қаратилган. Тизим эркин мулокат қила оладиган, фикрлайдиган, ҳаётдаги ҳар қандай масала ва муаммоларга ижодий ечим топа оладиган,

жамоада ишлай оладиган ёшларни камол топтиришга қаратилган. Бу “4К” модели (алоқа, ҳамкорлик, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик) асосида яратилган янги дарслік дастури билан мустаҳкамланган.

Инклузив таълимнинг дастлабки қадами мактабгача таълим ташкилотидан (кейинги ўринларда МТТ) бошланар экан, инклузив таълимни самарали жорий этиш ва ривожлантириш учун янгича замонавий ҳамкорлик усулларини қўллаш муҳим омил ҳисобланади. Бу таълим тури ногиронлиги бор ёки алоҳида эҳтиёжларга эга болаларни ҳам жамиятга, ҳам таълим жараёнинга қўшишни мақсад қилган. Ҳамкорлик масалаларида бир неча томоннинг мувофиқлаштирилган иши зарур. Педагоглар инклузив таълимга тайёр бўлишлари, ногиронлиги бор шахслар билан ишлашдаги кўникмалари, маҳсус курслар ва тренинглар орқали оширилган малакалари мавжуд бўлиши, ногиронлиги бор болажонларга алоҳида эътибор бера олишида ва уларнинг эҳтиёжларига мослаб дарс ўтишларида қўл келади. Ота-оналар фарзандларининг эҳтиёжларини тушуниб, уларга қўллаб-қувватловчи муҳит яратишлари, МТТ, мактаб, кейинчалик олий таълим муассасалари педагоглари билан узвий алоқада бўлишлари лозим. Тиббиёт мутахассислари ва психологлар болаларнинг руҳий, жисмоний ҳолатини тушунишлари, педагог тарбиячи, педагог ўқитувчилар билан ҳамкорликда таълим жараёнинга тўғри ёндашувни ишлаб чиқишлари зарур. Жамият ва жамоат ташкилотлари инклузив таълимга йўналтирилган замонавий ёндашилган дастурлар, дарслеклар ишлаб чиқишлари, жамоатчиликка инклузив таълимнинг аҳамиятини тушунтиришида ёрдам бериши муҳим. Бундай ҳамкорлик инклузив таълимни сифатли ва барча учун teng имкониятли қилишга ёрдам беради.

Инклузив таълимда ҳамкорлик масаласини кенгрок очиши учун қуйидаги асосий жиҳатларга эътибор бериш муҳим. Инклузив таълимни жорий қилиш учун давлат ёки жамоат ташкилотлари ўқув-методик қўлланмалар, маҳсус технологиялар, моддий ёрдам ва таълим дастурларини ишлаб чиқишлари зарур. Бу ташкилотлар жамоатчиликнинг инклузив таълимга бўлган муносабатини ўзгартиради. МТТ, мактаб маъмурияти инклузив таълимни ривожлантирувчи муҳитни, ногиронлиги бор болалар учун маҳсус қўллаб-қувватловчи воситалар, масалан, ўқиш, ёзиш ва аралашувни енгиллаштирувчи технологияларни бўлишига эътибор қаратиши лозим. Бу таълим жараёнини режалаштириш, керакли ресурсларни ажратиш ва педагогларга зарурий кўникмаларни шакллантириш имкониятларини яратишни ўз ичига олади. Педагоглар, психологлар ва дефектологлар, маҳсус таълим мутахассислари ногиронлиги бор болаларга алоҳида ёндашув билан таълим беришда ҳамкорлик қилишлари зарур. Масалан, педагоглар маҳсус таълим мутахассисларидан таълим жараёнидаги ноодатий ҳолатлар борасида маслаҳатлар

олишлари мумкин. Бу ҳамкорлик болаларнинг индивидуал таълим режаларини ишлаб чиқишида, уларнинг ўқув ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришда ёрдам беради. Ота-оналар инклузив таълимда фаол қатнашиб, болаларининг ўқув жараёнидаги муваффакиятларини кузатиб боришилари, педагоглар фикри, маслаҳати билан қизиқишилари мухим. Бу ҳамкорлик ота-оналарнинг фарзандларига ёрдам бериш имкониятини оширади, шунингдек болаларнинг ўқув жараёнига нисбатан ишончларини кучайтиради. Мажаллий ҳамкорлик орқали МТТлар, мактаблар ва жамоат ташкилотлари ўртасида шерикчилик муносабатлари ўрнатилиб, мажаллий тадбиркорлар, ташкилотлар ва таълим муассасалари инклузив таълимни қўллаб-қувватлаш учун маблағ ёки моддий ресурслар билан таъминлаш муаммоларига биргаликда ечим топишлари мумкин. Инклузив таълимда фақатгина мутахассислар эмас, балки болаларнинг ўзаро дўстона, оқилона муносабатлари, ҳамкорлиги ижтимоий кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради, ушбу ҳамкорлик орқали инклузив таълим муваффакиятли бўлади.

Педагоглар, психологлар ва дефектологлар ўртасида жамоавий ҳамкорлик орқали жамоавий дарслар режаси ва мазмуни ишлаб чиқилиши, биргаликда ўтказилиши ва индивидуал таълим режаси (ИТР)ни ишлаб чиқишилари ва ҳар бир болага индивидуал эҳтиёжларига мувофиқ равишида ёрдам кўрсатиши таъминлашлари, таълим жараёнида қўллаб-қувватловчи технологиялардан, яъни замонавий технологиялардан, шу жумладан аудиовизуал воситалар, қўшимча ускуналардан фойдаланиш инклузив таълимни сенгиллаштиради. Жамоатчиликда инклузив таълимнинг аҳамиятини тушунтириш, унинг ижтимоий қийматини ошириш мухимdir. Давлат даражасида қўллаб-қувватловчи дастурлар ва инклузив таълимни таъминлаш учун қонунчилик базасини такомиллаштириш инклузив таълимнинг узоқ муддатли муваффакияти учун мухимdir. Юқорида тилга олинган вазиятлар инклузив таълимда муваффакиятга эришиш учун барча иштирокчилар ўртасида кучли ва мувофиқлаштирилган ҳамкорликни талаб қиласди.

Кўйида МТТларда инклузив таълим беришда ҳамкорликни яхшилашга хизмат қилувчи замонавий усууллар келтирилган:

1. Мултидисциплинар жамоалар ташкил этиш. Педагоглар, психологлар, логопедлар, дефектологлар (маҳсус таълим мутахассислари) ва тиббиёт ходимларидан иборат жамоалар тузиш орқали болаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш. Мултидисциплинар жамоалар боланинг шахсий ривожланиш режасини яратиш ва уни кузатишида самарали ҳамкорлик қилиш имконини беради.

2. Рақамли платформа орқали ҳамкорлик қилиш. Онлайн платформа ва мобил иловаларни жорий қилиш орқали педагоглар, ота-оналар ва мутахассислар ўртасида тезкор алоқани ва видеоконференциялар орқали тезкор ҳамкорликни таъминлаш.
3. Инклузив таълим бўйича маслаҳатчи педагоглар жорий қилиш. Таълим муассасаларида инклузив таълимга ихтисослашган маслаҳатчи педагогларни тайинлаш, уларни болаларнинг таълим жараёнини самарали ташкил қилишда қўллаб қуватлаш. Маслаҳатчи педагоглар тарбиячи, ўқитувчи ва ота-оналарга инклузив таълим бўйича маслаҳатлар бериш ва мутахассислар билан алоқада бўлишни таъминлашлари мумкин.
4. Кейс-конференциялар ўтказиш. Ҳар бир бола учун индивидуал ҳолатга оид кейс-конференциялар ўтказиш, унда педагоглар, психологлар ва ота-оналар боланинг ривожланишини муҳокама қилиб, ўз фикр ва тавсияларини баён этишлари мумкин. Бундай учрашувлар болаларнинг ривожланишини тўлиқ тушуниш ва уларга индивидуал ёндашиш имконини яратади.
5. Ота-оналар ва мутахассислар учун тренинг ва мастер-класслар ташкил қилиш. Ота-оналар ва педагоглар учун инклузив таълимнинг муҳим жиҳатлари, алоҳида эҳтиёжли болалар билан ишлашдаги амалий усуслар ва уларнинг ривожланишини қўллаб-қуватлаш бўйича тренинг ва мастер класслар ўтказиш. Ушбу тадбирлар ота-оналарни ҳамкорликка жалб қилиш ва уларнинг билимларини оширишга ёрдам беради.
6. Жамоатчилик ҳамкорлиги ва кўнгиллиларни жалб қилиш. Жамоат ташкилотлари, ҳомийлар ва кўнгиллиларни инклузив таълим дастурларига жалб қилиш орқали болаларга қўшимча ёрдам ва қўллаб қувват бериш.
7. Турли интерактив тадбирлар ва ўйинлар уюштириш. Болалар ўртасида жамоавий ишлаш ва ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш учун интерактив тадбирлар, ўйинлар ва спорт машғулотларини ўтказиш. Бундай фаолиятлар болаларга бир-бирини қўллаб-қуватлашни ўргатади ва жамоавий муҳит яратишга ёрдам беради.
8. Виртуал ва аугментланган реаллик (VR ва AR) технологиялари. Болалар учун маҳсус тайёрланган интерактив ўйинлар ва машғулотлар орқали таълим жараёнини жонли ва қизиқарли қилиб ташкил этиш. Эҳтиёжманд болалар учун қийин бўлган ҳаётӣ вазиятларни симуляция қилиш, уларга реал ҳаётдаги қобилияtlарни ривожлантиришга ёрдам беради.
9. Онлайн платформа ва веб-қўлланмалар. Педагоглар ва ота-оналар учун қўлланмалар, виодидарслар ва мулокот учун маҳсус платформалар яратиш. Маҳсус эҳтиёжли болалар учун мослаштирилган материалларни онлайн форматда тақдим этиш, болаларга масофадан ёрдам бериш имконини беради.

10. Махсус күмакчи дастурий таъминотлар. Инклузив таълимга мослаштирилган мобил илова ва дастурларни жорий қилиш, масалан, кўриш қобилияти чекланган болалар учун аудиокитоблар, нутқни таниб олиш технологиялари ва бошқалар. Махсус дастурлар болаларнинг ўқиши, ёзиши ёки мулоқат қилиш қобилиятиларини ривожлантиришда қўл келади.

11. Адаптив таълим платформалари ва сунъий интеллект (AI). Сунъий интеллектга асосланган адаптив таълим платформалари болаларнинг билим даражаси ва ривожланишига мослашадиган таълим материалларини тақдим этади. AI ёрдамида ҳар бир боланинг индивидуал эҳтиёжларини баҳолаш ва уларга мослаб махсус машғулотлар тайёрлаш мумкин.

12. Таълимда геймификация (геймлаштириш). Болаларнинг қизиқишини ошириш учун ўйинлар орқали таълим жараёнини ташкил қилиш. Геймификация болаларни рағбатлантиради, уларни таълим жараёнида фаол иштирок этишга ундайди ва ўқув жараёнини қизиқарли қиласди.

13. Сенсорли хоналар ва сенсор терапия. Мактабгача таълим ташкилотларида, мактабларда сенсорли хоналар (сенсор румлар) ташкил этиш, бу ерда болалар турли материаллар, ранглар ва тўқималар орқали ҳисларини ривожлантиришади. Сенсор терапия болаларда мулоқот ва руҳий барқарорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

14. Махсус эҳтиёжли болалар учун махсус робототехника воситаларини ишлатиш, масалан, жисмоний чеклови бўлган болаларга махсус роботлар ёрдамида асосий ҳаракатлар ва моторика машқлари ўргатиш. Роботлар болаларнинг дикқатини жамлаш, мантикий фикрлаш ва мулоқот қобилиятини ривожлантиришда фойдали бўлади.

15. Болалар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тажриба алмашиш учун жамоавий таълим платформалар ва ижтимоий лойиҳалар ташкил этиш. Мисол учун, махсус мухокама гуруҳлари ёки форумлар орқали ота-оналар ўртасида тажриба алмашиш ва қўллаб-куватлаш муҳитини яратиш.

16. Ота-оналар ва педагоглар учун онлайн ва оффлайн форматда қўшма ўқув курслари ва интерактив тренинглар ташкил қилиш. Бу каби курслар инклузив таълимнинг долзарб масалалари, болаларнинг эҳтиёжлари ва улар билан ишлаш услублари ҳақида билим ва қўнималарни оширади.

17. Реабилитация, қўллаб-куватлаш учун ота-оналар ва болалар учун масофадан туриб виртуал маслаҳат бериш учун психологлар, логопедлар, дефектологлар хизматларини ташкил этиш. Бу болаларга ёрдам кўрсатишда кенгроқ мутахассислар билан тезкор маслаҳат олиш имкониятини яратади.

18. Ҳар бир бола учун интерактив таълим режасини яратиш. Болаларнинг ўқув жараёнига индивидуал ёндашиш учун ҳар бир бола учун интерактив таълим режаси яратиш, бу режа боланинг эхтиёжлари ва қобилиятларини инобатга олади. Махсус платформалар орқали режани кузатиш ва уни янгилаш имкониятини яратиш, бу боланинг ривожланишига мос равишда ўзгартериш киритишга ёрдам беради.

19. Платформада жамоавий кейс таҳлиллари. Инклузив таълимда ҳамкорлик масаласи инклузив таълимни самарали жорий этишда муҳим омил ҳисобланади.

Олдимизга қўйилган вазифа эхтиёжманд болажонларни кичик ёшданоқ ўз тенгдошлари даврасига қўшиш, яъни мактабгача таълим ташкилотларига олиш, бу қадамни умумий мактабларда давом эттириш, уларнинг ҳаётимиздаги иштирокини кенгайтириш, барча қатори асосий оқимга қўшилишига эришиш.

Бола - ато этилган мўъжиза, оиламиз қувончи, авлодимиз давомчиси. Ҳеч бир отана фарзандини тенгдошлари орасида энг охирида бўлишини истамайди. Ҳамма ўз фарзандини ташаббускор, ғайратли ва шиҷоатли бўлишини ҳоҳлади. Инклузив таълим Ўзбекистон Республикасидаги ҳеч бир бола давлатимизнинг назаридан четда қолмаганлигининг исботидир.

Инсоннинг қиймати унинг қобилияти ва ютуқлари билан ўлчанмайди. Ҳар бир инсон хис қилиш ва фикрлашга кодир. Ҳар ким мулоқат қилиш ва тинглаш хуқуқига эга. Инсонлар бир бири билан бугунда оффайн мулоқат қилишга, тенгдошларининг қўллаб қуватлашига ва дўстлашишига муҳтож. Ҳақиқий таълим ҳақиқий муносабатларда амалга оширилади.

Турли хиллик ҳаётнинг барча жабҳаларини яхшилайди, ҳамжихатликдаги ишлар муваффакиятта етаклайди.

Инклузив таълимдаги ҳамкорлик ишлари натижасида болада ўзига ишонч пайдо бўлса, болада ўсиш, ривожланиш намоён бўлади.

Бола ўзига ишонаётган инсонларнинг кўплигини билиши, барчанинг эътибор марказида эканлигини хис этиши унга яхши кайфият бағш этади, бу биз педагогларнинг ва катталарнинг ютуғи ҳисобланади.

REFERENCES

- Гаривова Ф.Ш. (2019) Инклузив таълим: назарий асослар ва амалий йўналишлар. Тошкент: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
- Савитская Н.В. (2018). Инклузив таълим: тадқиқот ва амалиёт. Тошкент: Нодавлат таълим ташкилоти.

3. Касимова Л.И. (2021). Инклузив таълим: методологик асослар ва самарадорлик. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим институти.
4. Султанов Ф.И. (2021). Инклузив таълим: жамиятда ҳамкорликнинг роли. Тошкент: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.